

Энг яхши тафсир ўқитувчиси ҳаж йўлланмаси билан тақдирланди



12:29 / 22.05.2024 1393

2024 йил 22 май куни Тошкент ислом институтида Диний идора тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари ўртасида «Йилнинг энг яхши тафсир фани ўқитувчиси» танлови ўтказилди.

Танлов якунига кўра қуйидаги натижалар қайд этилди:

1-ўрин Тошкент ислом институти ўқитувчиси **Элёржон Аҳмадқулов**, 1-даражали диплом, «Ҳаж» сафарига йўлланма ва смарт телевизор;

2-ўрин Хадичаи Кубро мадрасаси ўқитувчиси **Гулруҳ Кенжабек қизи**, 2-даражали диплом, «Умра» сафарига йўлланма ва смарт телевизор;

3-ўрин Кўкалдош мадрасаси ўқитувчиси **Охунжон Аҳмедов**, 3-даражали диплом ва замонавий музлатгич билан мукофотланди.

Қолган 10 нафар иштирокчига замонавий смарт телевизор топширилди.